
Шарқ юлдузи

Ўзбекистон Ёзувчилар
Союзининг органи

ОЙЛИК, АДАБИЙ-БАДИИЙ,
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ЖУРНАЛ

48-ЙИЛ ЧИҚИШИ



ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ
АДАБИЁТ ВА САНЪАТ
НАШРИЁТИ

1980 10

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мундарижа

А. Орипов. Ҳаким ва ажал. Достон 3

ЯНГИ ҲИКОЯЛАР

Ф. Мусажонов. Кулгини севадиган одам. Ҳажвия . 17
Ҳ. Убаев. Дадажон, сизга ишонаман 20
З. Туманова. Хирмон фасли. Минг иккинчи кеча. . . 23
Ч. Бойбўсинов. Мактуб. Эзгулик. 33
С. Сиёев. Оғир вазнли жанжалкаш. 37

ШЕЪРЛАР

А. Йўлдошев. Юрагимда севги лиммо-лим. . . . 49
К. Тошманбетова. Йўл бошидаги ўйлар. 50
Н. Баракаев. Яйловда. 53
А. Убайдулла. Бир дарахтнинг икки шохи. 54
Холис. Ватанимда. 55
Д. Матчон. Тўлқин бўлиб жўшгим бор. 57

О. Мухторов. Учқур поездлар. Қисса. 58

М. Али. Боқий дунё. Шеърий роман. 92

Н. Сафаров. Момакалдироқ. Роман. Давоми. . . 106

Ҳ. Саъдулла. Қурбонлар. Достон. 154

Назармат. Генерал Норхўжаевнинг хотиралари. . . . 169

КПСС XXVI ВА ЎзКП XX СЪЕЗДЛАРИ ОЛДИДАН

А. Қуронбоев. Сув достони. Очерк. 171

Ж. ЖАББОРОВ 50 ЁШДА

М. Сафаров. Гўзаллик куйчиси. 190
А. Орипов. Олижаноб туйғулар шоири. 195

СЪЕЗД ОЛДИ ГУРУНГИ

Ҳ. Ғулом. Ижод — олий мақсадга интилиш. . . . 196
У. Норматов. Ютуқлар, орзулар, таклифлар. . . . 198
Г. Нуруллаева. Шеърият ҳақида ўйлаяпман. . . . 200
П. Шермуҳамедов. Етмишинчи йилларни кузата туриб. . 202
С. Мирзаев. Насримизнинг баланд парвози. . . . 203
Т. Сулаймон. Халқимизнинг кайнар булоқлари. . . 205
Н. Худойберганов. Ўсиш, ўзгариш уфқлари. . . . 208

АЛИШЕР НАВОИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 540 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

О. Абдуллаев. Ижод оламининг сеҳри. 211

ТАНҚИД ВА АДАБИЁТШУНОСЛИК

О. Тоғаев. Ижодда давр садоси. 218
Р. Иноғомов. Русгавелидан илҳом олиб. 222
Ф. Сулаймонова. Ўрта Осиё қадимий юнон адабиётида . 226

ТАҚРИЗЛАР

Э. Бобоев. Муҳаммад Иқбол Шарқнинг буюк шоири ва мутафаккири 232
М. Назаров. Табаррук меросни ардоқлаб. 234
М. Мадраҳимова. Бахшининг ижод йўли. 237
М. Мирражабов. Тиниқ туйғулар. 238

www.ziyouz.com kutubxonasi

билан ҳамфикрликда ишлашида, ҳали очилмаган қўриқларни очишида, уларга амалий ёрдам беришида қолган. Шу муносабат билан баъзи истакларимизни билдирмоқчимиз.

Яхши бўларди, театрларимиз репертуаридан тушиб кетган «Алпомиш» сингари, халқимизнинг қалб тўридан жой олган ноёб, нодир асарлар яна қайтиб саҳна юзини кўрса.

Яхши бўларди, ё Эргаш Жуманбулбул ё Фозил Йўлдош номи билан аталган бахшилар мактаби ташкил топса-ю, бунга достоннавозликдан, афсунсозликдан ижро этиш йўли билан таълим берувчи донгдор бахшилар, дўмбира сингари халқимизнинг миллий чолғу асбобларини қиёмига етказиб чалувчи созчилар, созандалар, билағон фольклоршунос домлалар мутасадди этиб тайинланса.

Бора-бора «Қизил китоб»га ёзилиш хавфи эҳтимолдан узоқ бўлмаган дўмбира сингари қадимий, миллий асбобларимиз ўз эгаларининг қўлларида қайта тилга кирса.

Шу билан бирга Мамат бахши каби дўмбирани тўққиз оҳангда сўзлатувчи бахшиларимиз ижро этган куйлар магнит ленталарига ёзиб олиниб, радио ва телевизор орқали мунтазам эшиттириб борилса.

Яхши бўларди, ҳозирги кунда жойларда яшаб ижод қилаётган бахшиларга арзигулик имкониятлар, имтиёзлар яратиб берилса. Донгдор бахшиларга котиблар тайинлаб қўйиш масаласи ўйлаб кўрилса. Соз ва сара куйловчи бахшиларнинг асарлари алоҳида альманах ёки китоб тарзида маълум бир муддатда нашр қилиниб турилса. Уларнинг ижодидан севимли журналимиз бўлмиш «Шарқ юлдузи» саҳифаларида намуналар бериб борилса.

Яна бир истак борки, яъни энг яхши бахшилар учун машҳур оқинларимизнинг номлари билан боғлиқ бўлган мукофотлар таъсис этилса.

Алҳосил, мусиқанинг етти пардаси оралиғига ўн етти минг оламнинг сеҳри жойлашган, дейдилар. Қани эди, шу йўсин халқимиз орасидан етишиб чиққан сўз ила соз усталарининг сирли бармоқларидан, сеҳрли созларидан, қўлдан-қўлга ўтувчи байт ва баёзларидан баҳраманд бўлиб борсак.

Сайдулла Мирзаев

НАСРИМИЗНИНГ БАЛАНД ПАРВОЗИ

Сўнгги йилларда аксарияти ҳаёт ҳақиқатини бутун борлиғи ва мураккаблиги билан реал акс эттирувчи ғоявий-бадиий пишиқ асарлар яратилмоқда. Ўзбекистон совет ёзувчиларининг VII съездидан (1976 йил) буён ўтган даврдаги адабиётимизнинг асосий ютуғи ва энг характерли томони ҳам, бизнингча, ана шунда.

Фактлар шундан далолат беради, бу даврда адабиётимизнинг барча жанрларида катта ўсиш, ўзгаришлар содир бўлди. Адабиётнинг ҳаёт билан алоқаси янада мустаҳкамланиб, ғоявий-бадиий жиҳатдан юксак асарлар яратишга интилиш кучайди. Шароф Рашидов, Комил Яшин, Раҳмат Файзий, Ҳамид Ғулом, Мирмуҳсин, Асқад Мухтор, Саид Аҳмад, Иброҳим Раҳим, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Ўлмас Умарбеков, Суннатулла Анорбоев каби ёзувчилар томонидан бу даврда яратилган қатор насрий асарларда совет воқелигидаги асосий ижобий жиҳатлар, кишиларимизнинг ажойиб фазилатлари биринчи планга қўйилиб ҳаққоний акс эттирилди.

Энг муҳими шундаки, бу даврда насримиз, жумладан, романчилигимиз социалистик реализм позициясида мустаҳкам турган ҳолда бадиий маҳорат жиҳатидан тобора юқорилаб борди, ҳаётни борган сари чуқурроқ ва ёрқинроқ акс эттирди.

Сўнгги йилларда майдонга келган «Ҳамза», «Мангулик», «Чотқол йўлбарси», «Диёнат», «Юлдузли тунлар» каби йирик романларнинг кўпчилиги аввало чуқур реализми ва қизиқарли ёзилганлиги билан ажралиб туради. Бу асарларда ҳаёт

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳақиқатини очиб бериш учун лозим бўлган типик воқеалар, ҳаётий образлар бор ва улар ёрқин ифодаланган. Оташнафас шоир ва революционер Ҳамза («Ҳамза»), шоир ва ҳукмдор Бобир («Юлдузли тунлар»), инқилоб фидоийси Масъуд («Мангулик»), инженер Қоражон («Чотқол йўлбарси»), профессор Нормурод Шомуродов («Диёнат») сингари тўлақонли образлар ана шундан далолат беради.

Бу образларнинг жонли ва таъсирли чиқишида ёзувчиларимизнинг психологик таҳлилдан моҳирона фойдаланганликлари алоҳида аҳамият касб этган. Зотан, юқорида саналган асарларда психологик таҳлил кўпинча кескин драматик ҳолатлар, турли хил коллизиялар тасвири билан узвий боғлиқ ҳолда намоён бўлади ва ўқувчиларда кучли таассурот қолдиради. «Мангулик» романининг бош қаҳрамони янги типдаги совет кишиси Масъуднинг синфий душман Шерхўжа билан тўқнашуви тасвирланган ўринлар психологик таҳлилнинг ибратли намунасидир.

Чунки бунда икки дунё — икки мафкура ўртасидаги ҳаёт-мамот курашининг асл моҳияти ҳам, ижобий ва салбий характерларнинг маънавий олами ҳам яққол гавдаланади.

Бу ўринда сўнгги давр ўзбек насрида тобора очиқ намоён бўлаётган яна икки хусусиятни алоҳида қайд этиш лозим. Биринчи хусусият — ўзбек совет ёзувчилари ўз асарларида фақат ўзбек меҳнаткашларининг образларини яратиш билангина кифояланиб қолмаётирлар. Аксинча турли миллат кишиларининг реалистик образларини яратиб бермоқдалар. Натижада бадиий асарлардаги қаҳрамонлар силсиласининг интернационаллиги ўзбек совет адабиётининг жуда муҳим ва келажакда янада ривожланадиган характерли хусусияти бўлиб қолди.

Иккинчи хусусият — ўзбек совет ёзувчилари ўз асарларида халқнинг буюк тарихий ролини реал кўрсатиш билан бирга машҳур тарихий шахслар образини яратишга ҳам тобора кўпроқ эътибор бермоқдалар ва бунда ҳам яхшигина натижаларга эришмоқдалар. Бу фикримизни сал олдинроқ яратилган Мирмуҳсиннинг «Меъмор», Одил Ёқубовнинг «Улуғбек ҳазинаси» ва Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар» асарларидаги тарихий шахсларнинг бадиий ифода этилган образлари тасдиқлайди.

Бугина эмас. Сўнгги йилларда ўзбек романчилиги республикада Совет ҳокимиятини ўрнатиш, мустаҳкамлаш, ўлкамизни ҳар жиҳатдан гуллаб-яшнаган социалистик республикага айлантириш соҳасида фидокорона хизмат қилган Акмал Икромов, Йўлдош Охунбобоев, Файзулла Хўжаев, Усмон Юсупов каби атоқли партия ва давлат арбобларининг реалистик образларини яратиш йўлида ҳам ижобий натижаларга эришди («Ҳамза», «Қирқ беш кун», «Мангулик», «Бинафша атри» асарларини эсланг). Лекин, ҳозиргача бу машҳур тарихий шахслар кўпинча эпизодик қаҳрамонлар сифатидагина тасвирланиш билан кифояланилмоқда. Ҳолбуки, уларнинг ҳар бири катта асарларга бош қаҳрамон бўлаолади. Зотан, халқимизнинг бу асл фарзандларининг ҳаёти, меҳнат фаолияти ғоят сермазмун бўлиб, улар ёзувчига ёрқин образ яратиш учун бой ва қизиқарли материал беради.

Ёзувчиларимиз тарихий шахслар образини яратишдаги ана шу кемтикликни тўлдиришга эътибор бериб, ўз бадиий маҳоратларини тинмай ошира борсалар, адабиётимизнинг ютуқлари, ҳеч шубҳасиз, янада кўпайган бўлар эди. Дарҳақиқат, бу даврда яратилган ҳамма романларни ҳам бирдек бақувват асарлар деб бўлмайди. Чунки, улар орасида ҳар томонлама пишиқ ишланган романлар билан бир қаторда, ҳали қиёмига етмаган «Одам қандай тобланди» (Иброҳим Раҳим), «Йиллар шамоли» (Омон Мухторов), «Вафо» (Йўлдош Сулаймонов) каби асарлар ҳам учрайди. Булар сюжетида тиғизлик етишмайди, тасвирда юзакилик сезилади, образларнинг ўзига хослиги элас-элас кўзга ташланади. Уларда психологик таҳлил ҳам кучли эмас.

Бошқа айрим бадиий асарларда эса янгилик аломатлари, новаторликка хос изланишлар кам. Ваҳоланки, мамлакатимиз, жумладан серқуёш республикамиз ҳаётида кун сайин жаҳоншумул янгиликлар, улкан ўсиш-ўзгаришлар, катта-катта қурилишлар бунёд этилмоқда. Натижада адабиёт учун ҳам янги материаллар, янги мавзулар ва янги образлар тобора кўпаймоқда. Ёзувчиларимиз ана шу янгиликларни ҳозиржавоблик билан акс эттиришлари, ҳаёт қаҳрамонларининг ҳаққоний қиёфаларини адабиётда гавдалантиришлари лозим. Бироқ, бизда ҳалигача кенг бадиий ифодасини топмай келаётган ғоят актуал ва ғоят муҳим мавзулар кўплаб топилади. Хусусан, СССР халқлари ўртасидаги дўстлик ва биродарлик мавзуини кенг эпик йўсинда ёритиш учун Тошкент зилзиласи билан боғлиқ бўлган воқеа, ҳодисалар ёзувчига бой материал беради. Чунки бу ҳаяжонли воқеалар жараёнида кўп миллатли совет халқлари қаҳрамонлик ва инсонпарварликнинг, жасорат ва дўстликнинг ажойиб намуналарини кўрсатдилар. Нисбатан оз вақт ичида янги Тошкентни бунёд этдилар. Лекин шунга қарамай, бу ажойиб қаҳрамонлик ҳақида ҳикоя қилувчи эпик характердаги асарлар ҳали яратилмади.

Ёки совет Ўзбекистони сўнгги вақтларда ҳар йили давлатимизга беш ярим миллион тоннадан ошириб «оқ олтин» етказиб бермоқда. Бу — жуда катта бойлик. Бу — юз минглаб меҳнаткашлар томонидан бажарилган улкан ишнинг самарасидир. Адабиётимизда ана шу буюк ишнинг амалга ошувидаги жасоратлар, қардош халқлар ўртасидаги дўстлик пахтачиликни ривожлантириш соҳасида қандай намоён

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлаётганлиги янада кенгроқ йўсинда бадиий полотноларда бор кўриниши билан акс эттирилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Яна бир истак: бадиий асарнинг тили ҳақида. Сўнгги йилларда турли жанрларда яратилган айрим асарларда тилимиз бутун сеҳру жозибаси билан жило топмаяпти. «Йиллар шамоли» (Омон Мухторов), «Армонли дунё» (Раҳим Бекниёз), «Рухсора» (Бобомурод Даминов) каби роман ва қиссаларда халқ мақоллари, жонли тилдаги мазмундор, пурҳикмат иборалар, оригинал ўхшатиш ва янги сифатлашлар кам учрайди. Ҳолбуки, донолар, «бадиий адабиёт — бу тил санъатидир», деб таълим берадилар. Уларнинг уқтиришича, «ҳатто бадиий шаклнинг бош бўлакларида бўлган композиция ҳам ёзувчи тилининг ҳал қилувчи аҳамияти олдида кейинда туради» (К. Федин). Масалага шу нуқтаи назардан қараганда, бадиий асар тилининг бойлиги учун кураш ғоят муҳим аҳамиятга эгадир. Зотан, бадиий асар нима ҳақида ёзилганига қарабгина эмас, шу билан бирга, қандай ёзилганига, қанчалик юракдан ёзилганига қараб ҳам баҳоланади.

Шундай экан, бадиий асар тили масаласига ёзувчиларимиз янада кўпроқ эътибор берсалар кўнгилдагидек иш бўларди.

Хуллас, айрим нуқсонлардан қатъий назар, ўзбек совет насри социалистик реализм йўлидан дадил олға бормоқда. Хусусан, романчилигимиз сўнгги йилларда ўсиб, ўз тараққиётининг янги босқичига кўтарилди. Кўп ёзувчиларимизнинг замонавий мавзуни ёритиш маҳорати, характер яратиш, сюжет ва композиция тўқиш санъати ошди.

Демак, насримизнинг уфқлари янада кенгаймоқда. Айниқса романчилик парвози тобора баландлашмоқда. Адабиётимиз съезддан-съездгача бўлган даврда эришган энг катта ютуқларидан бири ҳам худди ана шудир.

Пирмат Шермуҳамедов

ЕТМИШИНЧИ ЙИЛЛАРНИ КУЗАТА ТУРИБ...

Қадрли одамингни кузатишдан қийин савдо бор эканми оламда. Кимга қандай эканлигини билмайман-у, етмишинчи йиллар мен учун қадрдон дўст сингари яқин бўлиб қолди. Қадрдон бўлиб қолган етмишинчи йиллар кўз очиб юмгунча зув этиб ўтиб кетди. Шундай дейишга деймиз-у, лекин ўтган ўн йилнинг ҳар бир дақиқаси ҳаётимизнинг саҳифаларида ўзининг унутилмас меҳрини қолдирди. Не-не шеърий тўпламлар чоп қилинмади, не-не романлар ёзилмади, не-не драмалар саҳна юзини кўрмади. Санайдиган бўлсак, адоғига етиш қийин. Хўш, гап нимада? Гап сифатда, баркамолликдами?! Бутун дунё олдида кўз-кўз қиладиган асарларимизни санаб беринг-чи?!

Жавоб бериш учун ўйланиб, довдираб қоласиз.

Биз нимамиз бор-у, нимамиз йўқлигини санаб ўтириш билан шуғулланмоқчи эмасмиз. Лекин фазилатларимизни яна бир бор билиб олиб, нуқсонларимизни яширмай рўй-рост кўрсатиб, келажакка назар ташлашимиз керак. Бусиз олға юриб бўлмайди.

Сўнгги йилларда асарнинг асоси, адибнинг ғоясини ташувчи сюжетнинг ҳаётийлигини бирмунча унутиб қўйдик. Сюжет адабиётшунос Е. Добиннинг образли ифодаси билан айтганда, «воқеликни ҳар томонлама ва чуқур ифода қилишнинг, тўлақонли, ҳаётий қаҳрамонлар яратишнинг асосий воситаларидан бири». Ҳаммамизнинг эсимизда, СССР Ёзувчилар союзининг ўзбек адабиёти масалаларига бағишланган V пленумида Ю. Суровцев етмишинчи йиллари яратилган қиссаларимиз

www.ziyouz.com kutubxonasi